


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Шарғункўмир” АЖ

бош муҳандиси


Ш.Ж. Сурхонов
«15» май 2023 й.

**“Шарғункўмир” АЖда кўмир қазиб олиш ҳажмларини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича Илмий техник кенгаши (ИТК) раислигида ўтказилган йиғилиш
№ 44-сонли БАЁННОМА**

2023 йил 15 май

Шарғун шаҳри

Раислик қилувчи: Сурхонов Ш.Ж. - “Шарғункўмир” АЖ бош муҳандиси

Йиғилиш қатнашчилари:

Шойматов Ж., Нормуратов Ш., Азизкулов М., Курбонов А., Абдиев С., Кўчаров Ф., Шониёзов Н., Пардаев И., Бердиев Р., Одинаев С., Ғаниев А., Пардаев М., Ғаффоров О., Саидов Ж., Мелибоев М., Каримов О., Хамидов Ж.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:

2023 йилда “Шарғункўмир” АЖ томонидан кўмир қазиб олиш, ташиш ва истеъмолчиларга юклаш режасини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш тўғрисида.

Йиғилиш аввалида, “Шарғункўмир” АЖ бош муҳандиси Ш.Ж. Сурхонов сўзга чиқиб, жамият томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаси доирасида эришилган кўрсаткичлар, режалаштирилаётган ишлар ва юзага келаётган муаммолар тўғрисида маълумот берди.

Сўнгра, кун тартибидаги масала юзасидан тоғ-кон ишлари бўйича бош муҳандиснинг ўринбосари Ш.З. Нормуратов сўзга чиқиб, 2023 йилда “Шарғункўмир” АЖ томонидан кўшимча режа билан биргаликда жами 500 минг тонна, шундан:

- очик усулда 228 минг тонна;

- ер ости усулида 272 минг тонна, шундан амалдаги “Руган-Рихта” участкадан 77 минг тонна, ҳамда инвестиция лойиҳани ишга тушириш орқали 195 минг тонна тошкўмир қазиб олиш режалаштирилганлигини маълум қилди.

Иқтисод ва молия бўйича бош директор ўринбосари Ж.Ю. Шойматов сўзга чиқиб, 2023 йилда кўмир қазиб олиш ва юклаш режасини ойлар кесимида бажариш учун очик ва ер ости усулида кўмир қазиб олишда етарли махсус техникалар, асбоб-ускуналар ва материаллар билан ўз вақтида таъминлашга, ҳамда “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини белгиланган муддатда ишга туширишга боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтди.

3-, ва 4-сонли “Очик усулда кўмир қазиб олиш” участкалари бошлиқлари Ғаффоров О. ва Саидов Ж. лар сўзга чиқиб, 2023 йилда очик усулда кўмир қазиб олиш режасини бажариш учун тоғли шароитда кон юзасини очиш ва кўмирни қазиб олиш ишларининг ҳажми ортиб бораётганлиги сабабли, забойлар сонидан келиб

чиқиб, ҳозирда ишлаб турган айрим махсус техникалар тез тез носоз ҳолатга учраётганлиги туфайли, қўшимча равишда 3-сонли участка учун ковш ҳажми 1,8 м³ дан кам бўлмаган 2 дона экскаватор, мотор қуввати 240 кВт дан кам бўлмаган 1 дона бульдозер ва 1 дона тоғли шароитга мос келадиган бурғулаш ускунаси билан, 4-сонли участка учун эса ковш ҳажми 1,8 м³ дан кам бўлмаган 2 дона экскаватор, мотор қуввати 240 кВт дан кам бўлмаган 1 дона бульдозер билан таъминлаш кераклиги таъкидлаб ўтишди.

“Автосарой” участкаси бошлиғи Хамидов Ж. сўзга чиқиб, 2023 йилда очик усулда кўмир қазиб олиш ва юклаш режасини бажаришда очик усулда кон юзасини очиш, кўмирни қазиб олиш ишларини амалга ошириш ва қазиб олинган кўмирни пастки технологик мажмуага ташиб келтириш учун “Автосарой” участкасига қарашли махсус техникаларнинг эҳтиёт қисмлари тез ишдан чиқаётганлиги ва ушбу эҳтиёт қисмлар Республика ҳудудидан топилиши ва ўз вақтида етказиб келишига қийинчилик туғилаётганлигини маълум қилди.

Бош технолог Қурбонов А. ва “Кўмирни қабул қилиш ва юклаш” участкаси бошлиғи Мелибоев М. лар сўзга чиқиб, 2023 йилда қазиб олинган кўмирни пастки технологик мажмуага ташиб келтириш ва истеъмолчиларга юклаш режасини ўз вақтида бажариш учун “Автосарой” участкасига қарашли автосамосваллар тез тез носоз ҳолатга учраётганлиги сабабли очик усулда кўмир қазиб олинаётган забойларда қисқа масофада тоғ жинсларни ва кўмирни ташишга жалб қилиб, кўмирни қазиб олувчи участкаларнинг отвалларидан пастки технологик мажмуага ташиб келтириш учун аутсорсинг шартлари асосида автосамосвалларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазалари атрофлича ўрганиб чиқилиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазири Б.Ф.Исламов томонидан 2023 йил 14 майдаги 07-сонли тасдиқланган Баённомага кўра, 2023 йилда “Шарғункўмир” АЖ томонидан кўмир қазиб олиш режаси бажарилишни таъминлаш мақсадида, очик усулда кўмир қазиб олиш ҳажмларини ошириш учун аутсорсинг асосида махсус техникалар ва автосамосвалларни жалб қилиш чораларини кўришга рухсат берилганлиги **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. **Харид комиссияси** 2023 йилда “Шарғункўмир” АЖ томонидан кон юзасини очиш ва очик ва ер ости усулда кўмир қазиб олиш режасини, ҳамда қазиб олинган кўмирни ташиш, истеъмолчиларга юклаш ишларини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш зарурияти туфайли қуйидаги махсус техникалар ва механизмларни:

экскаватор, ковш ҳажми 1,8 м³ дан кам бўлмаган - 4 дона;

бульдозер, мотор қуввати 240 кВт дан кам бўлмаган - 2 дона;

тоғли шароитга мос келадиган бурғулаш ускунаси - 1 донани ижарага олиб ишлатиш ва аутсорсинг шартлари асосида қазиб олинган кўмирни қуйи технологик мажмуага ташиб келиш хизматларини белгиланган тартибда махсус ахборот портали орқали эълон берилсин.

3. **Бош технолог (Қурбонов)** тегишли участка ва бўлим бошлиқлари билан биргаликда **уч кун муддатда** юқорида қайд этилган махсус техникалар ва механизмларни ижарага олиб ишлатиш ва аутсорсинг шартлари асосида қазиб олинган кўмирни қуйи технологик мажмуага ташиб келиш хизматларини амалга ошириш бўйича техник вазифаларни ишлаб чиқиб тасдиқлашга киритсин.


4. **Иқтисод ва молия бўйича бош директор ўринбосари (Шойматов), ички ва ташқи харидлар бўлими бошлиғи (Одинаев)** 2023 йилда кўмир қазиб олиш, ташиш ва истеъмолчиларга юклаш режасини бажариш учун участкалар томонидан киритилган буюртмалар асосида махсус техникаларнинг эҳтиёт қисмларини, асбоб-ускуналарни ва материалларни ўз вақтида етиб келишини таъминлашсин.

5. **“Дирекция” филиали директори (Азизқулов)** 2023 йилда **“Шарғункўмир” АЖ** ни модернизация қилиш инвестиция лойиҳасини ишга тушириш орқали 195 минг тонна тошкўмир қазиб олиш режасини бажариш учун белгиланган муддатда ишга тушириш бўйича зарурий чораларни кўрсин.

6. **Ер ости, очик усулда кўмир қазиб олиш ва “Автосарой” участкалари бошлиқлари (Пардаев, Ғаффоров, Саидов ва Ҳамидов)** 2023 йилда кон юзасини очиш ва очик ва ер ости усулда кўмир қазиб олиш режасини, **“Дирекция” филиали директори (Азизқулов)** инвестиция лойиҳани ишга тушириш орқали қазиб олиш режасини, **“Кўмирни қабул қилиш ва юклаш” участкаси бошлиғи (Мелибоев)** ташиб келтирилган кўмирни саралаш, майдалаш, ва истеъмолчиларга юклаш режасини тўлиқ амалга ошириш бўйича, **“Сифат назорати, стандарт ва метрологияга риоя қилиш” участкаси бошлиғи (Каримов)** истеъмолчиларга юкланадиган кўмир маҳсулотининг сифат кўрсаткичларига шахсан масъул эканликларни кўрсатиб ўтилсин.

7. Мазкур баённомадаги топшириқлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баённомани тўлдирди:



Қурбонов А.Т.